

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI PREZIDENTINING  
ФАРМОНИ

**107 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сонли Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сонли Фармонига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 17 февраль,  
ПФ–4962-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 17 февралдаги  
ПФ–4962-сонли Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сонли Фармонига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Кириш қисмидаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» сўзлари «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки, қонунчиликка мувофиқ, ёш оила тоифасига турмуш қурганларнинг ёши 30 ёшдан ошмаган, ёки болаларни (болани) 30 ёшдан ошмаган ота-онадан бири, шу жумладан, турмушидан ажрашган эркак (аёл), бева (бева аёл) кишилар тарбиялаётган оилалар киритилади».